28 6 94

*Илм — ўзни билмакдир*

# МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

*Халқ зиёлилари газетаси* *1931 йилдан чиқа бошлаган* **1994 йил 22 июнь, чоршанба** № 30 (6617). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Миллий пулимиз —."сўм" давлатимиз ва халқимизнинг обрў-эътибори, миллат қуввати, мамлакатимизни етти иқлим билан боғловчи кўприкдир

Август кенгашлари ижодкорлик, педагогик маҳорат, илғор иш тажрибаларининг кўригидир

27 июнь куни мустақил Ўзбекистон матбуотчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамини нишонлайдилар

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-XII сон қарорига мувофиқ:

1. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1000 сўм-купонга бир "Сўм" нисбати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – "Сўм" муомалага киритилсин.

2. Миллий валютани жорий этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Нақд пулларни алмаштиришга ҳамда пул муомаласига оид барча тезкор ва жорий масалаларни ҳал қилиш комиссия зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – "Сўм" Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 "Сўм" бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 "Тийин" бўлган металл тангалар ҳолида нақд пул муомалага чиқарилади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида "Сўм" қонуний тўлов воситаси ҳисобланади;

"Сўм"лар ва "Тийин"лар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ҳамма жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар томонидан омонатларга ва ҳисоб варақаларига қўшиб қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта – "Сўм" билан бир қаторда эркин муомаладаги валютадан тўлов воситаси сифатида белгиланган тартибда фойдаланишга рухсат берилади.

5. Сўм-купонларни алмаштириш учун аҳолига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва миллий валютага шошмасдан ўтишни таъминлаш мақсадида:

– Ўзбекистон Республикасининг банк муассасалари 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб сўм-купонларни муомалага чиқаришни тўхтатсинлар;

– 1994 йилнинг 1 августига қадар барча турдаги тўловларга, шунингдек фуқароларнинг омонатларига ва Ўзбекистон Республикаси доирасида пул ўтказиш учун миллий валюта билан бир қаторда 1000 сўм-купонга 1 "Сўм" нисбати билан ҳеч қандай чекловларсиз сўм-купонларни қабул қилишга рухсат берилсин. Аҳолига хизмат кўрсатаётган республиканинг барча савдо ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари мазкур банднинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда "Сўм" билан сўм-купон баб-баравар муомалада бўлган даврда сўм-купонларга товарлар сотишдан ва хизмат кўрсатишдан бош тортганлик учун айбдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортсинлар.

6. Марказий банк, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ўздеҳқончиликсаноатбанк" ва республиканинг бошқа банклари 1994 йил 28 июндан 5 июлгача 1994 йил июнь ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақи, шунингдек, 1994 йил июль ойи учун пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар "Сўм" билан берилишини таъминласинлар.

7. Республиканинг вакил қилинган банклари 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб тегишли пунктлар орқали эркин муомаладаги валютани Ўзбекистон Республикасининг "Сўм"ларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган курс бўйича чекловларсиз алмаштириб берилишини таъминласинлар.

8. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республиканинг барча хўжалик юритувчи субъектлари ва банк муассасалари 1994 йилнинг 1 июлигача бўлган ҳолатда ҳисоб варақларидаги, омонатлардаги ва мажбуриятлардаги маблағларни, шунингдек иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа тўловларнинг миқдорларини 1 "Сўм" : 1000 сўм-купон нисбати билан қайтадан ҳисоблаб чиқсинлар.

9. 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турлари фақат миллий валюта – "Сўм" билан амалга оширилишини эътиборга олиб, аҳолига 1994 йилнинг 1 августига қадар қолган сўм-купонларни омонатларга чекловларсиз қўйиш тавсия этилсин.

Жамғарма тармоғига эга бўлган "Ўзжамғармабанк" ва республиканинг бошқа тижорат банклари 1994 йил 1 августидан бошлаб сўм-купонларни омонатларга қабул қилишни тўхтатсинлар.

10. Жамғарма тармоғига эга бўлган "Ўзжамғармабанк" ва республиканинг бошқа тижорат банклари 1994 йилнинг 1 сентябрига қадар аҳолининг омонатлар бўйича шахсий ҳисоб варақларидаги операцияларни фақат ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари ёки омонатчиларнинг топшириқлари бўйича пул ўтказиш йўли билан амалга оширсинлар. 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб эса омонатчиларнинг хоҳишига кўра "Сўм"лар ва "Тийин"лар билан берсинлар.

11. Миллий валютани жорий этиш механизми бўйича Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ишлаб чиққан норматив ҳужжатлар маъқуллансин.

12. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун меҳнат ҳақини тўлашга бериладиган маблағларни давлат йўли билан тартибга солиш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида бунинг учун зарур йўриқномаларни хўжалик юритувчи субъектларга етказсин.

13. Миллий валюта – "Сўм"ни жорий этиш ҳамда муомалада бўлган сўм-купонларни белгиланган муддатларда йиғиштириб олиш борасидаги ишларнинг ташкил этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки зиммасига юклатилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 16 июнь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда болали оилаларга давлат йўли билан мадад беришни кучайтириш, ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида:

1. 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдамининг амалдаги тизими ўрнига қуйидаги нафақа турларидан иборат ягона тизим жорий этилсин:

16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ҳар ойлик нафақа:

бола туғилганда энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида бирйўла бериладиган нафақа;

бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида оналарга бериладиган ҳар ойлик нафақа;

2. Белгилаб қўйилсинки, барча оилаларга улардаги болаларнинг сонига қараб қуйидаги миқдорларда ҳар ойлик нафақалар тўланади:

бир болали оилага энг кам иш ҳақининг 10 фоизи;

икки болали оилага энг кам иш ҳақининг 20 фоизи;

уч ва тўрт болали оилага энг кам иш ҳақининг 40 фоизи;

беш ва ундан ортиқ болали оилага энг кам иш ҳақининг 50 фоизи.

3. Қуйидагилар пул билан таъминлашнинг асосий манбаалари этиб белгилансин:

16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ҳар ойлик нафақалар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари;

бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа учун — ижтимоий суғурта маблағлари;

бола икки ёшга етгунча уни парваришлашга оналар учун бериладиган ҳар ойлик нафақалар: ишловчи оналар учун — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари; ишламайдиган оналар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, корхоналар ва ташкилотларга:

мавжуд маблағлар доирасида болали оилаларга бериладиган нафақаларнинг белгиланган турларига қўшимча пул ва қўшимча имтиёзлар белгилаш, ушбу мақсадлар учун ижтимоий жамғарма маблағларидан тўлароқ фойдаланиш;

жамоат, хайрия ташкилотларининг ҳар хил ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жамиятда инсонпарварлик, хайр-эҳсон ва раҳм-шафқат ғояларини ёйишга кўмаклашиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 16 июнь.

**(Болаларга амалда тўланаётган ва янги жорий этилаётган нафақа турлари ҳамда миқдорлари тўғрисида 2-саҳифада ўқийсиз).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 16 ИЮНДАГИ ФАРМОНИГА ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ "СЎМ"НИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Муталов А. М. — Бош вазир, комиссия раиси
Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари, комиссия раисининг муовини
Муллажонов Ф. М — Марказий банк бошқаруви раиси, комиссия раиси муовини
Усмонов М. З. — Бош вазир ўринбосари
Шарифхўжаев М. Ш. — Бош вазир ўринбосари
Алматов З. А. — ички ишлар вазири
Гатаулин Ш. Қ. — Давлат солиқ қўмитасининг раиси
Раҳимов К. Р. — алоқа вазири
Умурзоқов Б. Х. — ижтимоий таъминот вазири
Абдуғаниев Б. А. — "Ўзбекбирлашув" бошқаруви раиси
Азимов Р. С. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси
Аҳадов А. А. — "Ўздеҳқончиликсаноатбанк" бошқаруви раиси
Ибодов А. И. — "Ўзсаноатқурилишбанк" бошқаруви раиси
Муҳитдинов Н. Ф. — "Ўзжамғармабанк" бошқаруви раиси
Файзиев З. А. — "Ўзбексавдо" уюшмаси раиси
Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпания раиси
Обидов О. О. — меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари
Голишев В. А. — "Ўздавистиқболстат" раисининг биринчи ўринбосари
Иноятов Р. Р. — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари.
Ҳазратқулов М. Х. — ЎзА бош директори
Каримов Р. — Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт бўлимининг мудири

• *Қутлуғ остона*

## ОҚ ЙЎЛ, МУСТАҚИЛЛИК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ







**МАЪЛУМОТНОМА: Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи. 1991 йилда Халқ таълими вазирлиги саъй-ҳаракати билан ташкил этилган. Барча вилоятлардан танлов асосида қабул қилинган ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти, тарих, санъат, инглиз тили йўналишларида чуқурлаштирилган дастур бўйича билим берилади.**

Ривоят қиладилар: бир куни Искандар Зулқарнайн Арастуни ҳузурига чорлаб сўрабди:

—Эй доно, айтгил, дунёда энг оғир дард қайси?

—Кўнгил сўқирлиги, — деб жавоб берибди Арасту.

Агар тарихнинг ўша узоқ даврларига назар ташласак, башар аҳлининг ҳамма вақт руҳий поклик, имон, эътиқодга сажда қилишининг гувоҳи бўламиз. Маънавият барча замонларда комиллик мезони бўлиб келган. Зеро, юртга имони комилларгина эгалик қилади.

Ўлкамиз азалдан буюк алломалар, беназир фозилу бетакрор шоирлар ватани. Томиримизда Хоразмийлару Форобийлар, Берунийлару Навоийлар қони оқиб турибди. Истиқлол туғини баланд кўтариб, келажак сари дадил қадам ташлаётган юртимиз учун ўз аждодларига муносиб, ҳар томонлама етук ва мукаммал ёшлар керак. "Бизда истеъдодлар жуда кўп. Фақат уларни муайян йўлга сола билиш лозим", деган эди миллатимиз фидойиларидан бири Фитрат. Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи Ватанимиз мустақиллигининг илк кунларида, худди шу мақсадда ташкил этилган эди.

МАЪЛУМОТНОМА: ўз йўналишлари бўйича республикада ягона бўлган лицей бу йил илк бор 84 ўқувчини мустақил ҳаётга йўллади. Шулардан 8 таси йилни фақат аъло, 59 нафари эса "4" ва "5" баҳолар билан якунлади.

Лицейга кириб борар эканмиз, барчани ҳаяжон ва ташвишда кўрдик. Директор хонасида ҳам шу муҳит ҳукмрон. Билим даргоҳи ўқитувчиси — филология фанлари номзоди, доцент Файзуллахон Набиевни суҳбатга тортдик.

—Бугун биз учун ҳақиқий байрам, — деди домла ҳаяжонини боса олмай, — уч йиллик меҳнатимиз самараларини кўраяпмиз. Иншооллоҳ, ўқувчиларимиз элимизнинг комил фарзандлари қаторидан жой олиб, биз кутгандан зиёд ютуқларга эришади.

Шу пайт илм масканига бир гуруҳ халқ маорифи мутасаддилари ва меҳмонлар келиб қолишди. Лицей директори Сўлмас Султонов таклифи билан улар ўқувчиларнинг ижодий ишлари намойиш қилинган кўргазма залига кўтарилишди.

Талабалар ижоди маҳсули — халқ амалий санъати намуналари, турли хил ранг-тасвирларда акс этган расмларни кўриб, энг аввало, уларнинг истеъдод ва иқтидорига таҳсинлар ўқидик. Зотан, бежирим мусиқа асбоблари, сандиқчалар, сопол идишлар ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчилигимизни нечоғли пухта эгаллаганини, унга бўлган муҳаббат ва ҳурматини кўрсатади. Суратлар гарчи фақат манзаравий йўналишда бўлса ҳам, улардаги ранг ва тасвир уйғунлиги ҳайратга сазовордир. Масалан, О. Нурматовнинг "Қишлоқда", Б. Омоновнинг "Мажнунтол" расмлари ўзига хослиги билан киши диққатини жалб этади...

Лицей ҳовлиси ажиб манзара касб этган. Меҳмонлар, талабаларнинг ота-оналари қатор терилган ўриндиқлардан жой олишган. Ўқув юрти директори Сўлмас Султонов битирув кечасини очар экан, жумладан, шундай деди:







— Биз тарихий даврда яшаб турибмиз. Ёш, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида фидойилик кўрсатиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бугунги шогирдларимиз ҳам ана шу эзгу ишнинг олдинги сафларида бўлишади, дея умид қиламан.

Даврага карнаю сурнай, ноғора садолари остида лицейнинг 84 битирувчиси — илк қалдирғочлари келишди. Мана, том маънодаги бугунги кун ёшлари, истиқлол қуёшида пишиган, ўз даврига муносиб авлод. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграганида улар қоматларини ғоз тутиб туришди. Ўқувчилар ушбу муқаддас оҳанг оғушида Ватанга муносиб фарзанд бўлмоқ учун қасамёд қилаётгандек гўё.

Алишер Навоий ҳазратлари (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Афзал Рафиқов)нинг ташрифи кечага ажиб тароват бағишлади. Ҳазрат:

Навосоз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл, —

дея талабаларни тилимиз, миллатимиз, юртимиз инкишофига камарбаста бўлмоқликка ундаб, уларга оқ йўл тилади.

Бугунги кунда устоз ва шогирд, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари таълим тизимининг муаммоли нуқталаридан бўлиб турибди. Ўқитувчига нисбатан ҳурмат камаяётгандай. Лекин лицейда бунинг аксини кўрдик. Ўқувчилар ўз устозларига миннатдорчилик билдиришар экан, улардаги самимийлик, ҳаяжон бизни хурсанд қилди. Айниқса, Дилфуза Бешимованинг "Устозларга" шеъри ўтирганларнинг туйғуларини жунбушга келтирган бўлса, ажаб эмас.

МАЪЛУМОТНОМА: Лицей битирувчиларидан Дилфуза Расул қизи Шодиёрованинг "Хабарчи турналар", "Орзуларга ошно юрак" шеърий тўпламлари "Насаф" ҳамда "Камалак" нашриётларида босилиб чиқди. Рустам Раҳимов муддатидан олдин Халқаро алоқалар ва дипломатия олийгоҳи талабаси бўлди. Лицейда 20 дан ортиқ йирик мутахассис — академику профессорлар, фан номзодию аспирантлар сабоқ беришади. Бу нарса истеъдоднинг ёрқин намоён бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Кечада республика ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол талабаларга эзгу тилаклар билдириб, ўқув юрти толибаси Дилфуза Расул қизининг ёзувчилар уюшмасига аъзо қилинганини маълум қилди ва унга уюшма гувоҳномасини тақдим этди.

Мана, кечанинг энг ҳаяжонли дақиқалари:Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев билим даргоҳини битирганлик тўғрисидаги шаҳодатномани талабаларга топширди.

Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, профессор Боқижон Тўхлиев ва бошқалар битирувчиларнинг келгуси ўқишларида муваффақиятлар тилашди. Биз ҳам талабаларга оқ йўл тилаб, лицейни тарк этар эканмиз, бир нарсага имон келтирдик: ҳар жиҳатдан етук ва комил ёшлари бор элнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Зотан, ҳар бир юртнинг эртаси бугундан бошланади.

**Асқар ШОКИРОВ,**
**"Маърифат" мухбири.**

**Суратларда: хайрлашув кечасидан лавҳалар.**
**Ҳ. Солиҳов олган суратлар.**

# БОЛАЛАРГА АМАЛДА ТЎЛАНАЁТГАН ВА ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН НАФАҚА ТУРЛАРИ ҲАМДА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб болали оилаларга давлат тарафидан бериладиган ижтимоий ёрдамнинг Ягона тизими жорий этилади. Янги тизим болаларга бериладиган нафақа турларига ҳам, марказий ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган давлат ёрдами миқдорларига ҳам мукаммал ва объектив тарзда ёндашишни назарда тутади.

16 ёшга тўлмаган болаларга бериладиган ойлик нафақа мамлакатдаги барча фарзандли оилаларга ҳеч бир истисносиз тўланади. Илгари ҳар бир болага ойига ўрта ҳисобда 286 сўм-купон тўлаб келинган бўлса, эндиликда 7000 сўм-купон тўланади, яъни нафақа миқдори салкам 25 баробар кўпаяди.

Оилага тўланадиган нафақа миқдори болалар сонига қараб ўзгаради ва:

– бир болали оилага 7000 сўм-купонни;

– икки болали оилага 14000 сўм-купонни;

– уч-тўрт болали оилага 28000 сўм-купонни;

– беш ва ундан кўпроқ болали оилага 35000 сўм-купонни ташкил этади.

Табиийки, энг оз иш ҳақи миқдори оша борган сари оилага бериладиган нафақа миқдори ҳам мувофиқ равишда кўпайиб бораверади. Умуман, болаларга нафақа тўлаш учун мамлакат бўйича ҳар ойда бюджетдан қарийб 70 миллиард сўм-купон, бир йил ҳисобидан эса тақрибан 840 миллиард сўм-купон маблағ ажратилади.

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа сақлаб қолинди ва республикада бўлган энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида, яъни 140000 сўм-купон этиб белгиланди. Ижтимоий суғурта жамғармаларидан бериладиган бу хил тўловлар учун ҳар ойда 7,7 миллиард сўм-купон, йил мобайнида эса 92 миллиард сўм-купон маблағ сарфланади.

Чақалоқ парвариши билан банд оналарга нафақа тўлаш тартиби ҳам ўзгаради. Илгари оналарга бола 1,5 ёшга етгунча нафақа тўланган бўлса, эндиликда бу муддат 2 йилга қадар узайтирилади. Натижада қўшимча тарзда 310 минг она нафақанинг янги турини олади, чақалоқ парвариши учун нафақа оладиган аёлларнинг умумий сони эса 1 миллион 235 минг кишини ташкил этади. Чақалоқ парвариши учун амалдаги нафақа миқдори 319 сўм-купондан 14000 сўм-купонгача, яъни қарийб 44 карра кўпаяди. Нафақанинг бу тури учун бюджет ва корхоналар маблағларидан ҳар ойда 17,3 миллиард сўм-купон, йил давомида эса 208 миллиард сўм-купон ажратилади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, амалдаги нафақалар ўрнига уларнинг янги турлари ва миқдорларини жорий этиш учун бир йилда ҳозирги вақтдаги 130 миллиард сўм-купон ўрнига 1 триллион 123 миллиард сўм купонга яқин маблағ талаб этилади, яъни нафақа тўлови миқдори 9 каррагача ошади.

Албатта, бундай катта маблағларни топиб бериш осон иш эмас. Лекин оилаларга ёрдам бериш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш ва камолотга етказиш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш мақсадида мамлакат Ҳукумати ушбу мақсадлар учун маблағ ахтариб топишни зарур деб ҳисоблади. Шу билан бирга, мамлакат Президентининг Фармони билан ҳокимликларга, корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларга болали оилалар ва оналарга ижтимоий мадад бериш учун қўшимча манбаларни излаб топиш, хайрия ташкилотларининг фаолиятини кенгроқ ривожлантириш тавсия этилди.

### РЕСПУБЛИКАДА БОЛАЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН АМАЛДАГИ ВА ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН НАФАҚА ТУРЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## Қиёсий маълумотлар

| Нафақа турлари | Амалдаги схема | Жорий этилаётган схема | Неча баробар | Пул таъминоти манбалари |
|---|---|---|---|---|
| 1. Болаларга тўланадиган ҳар ойлиқ нафақалар | | | | Бюджет |
| — 1 болага ўрта ҳисобда (сўм-купон) | 286 | 7029 | 24,6 | |
| — 1 оилага ўрта ҳисобда (сўм-купон) | 874 | 21469 | 24,6 | |
| — барча болаларга (барча оилалар) (млн. сўм-купон) | 2790,07 | 68571,3 | 24,6 | |
| 2. 1,5 (2) ёшгача болани парваришлаш учун ҳар ойлик нафақалар | | | | Бюджет корхоналар маблағи |
| — бир онага ўрта ҳисобда (сўм-купон) | 319 (1,5 ёш) | 14000 (2 ёш) | 43,9 | |
| — барча оналарга (млн. сўм-купон) | 295,33 | 17281,6 | 58,5 | |
| 3. Бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа | | | | Ижтимоий суғурта жамғармаси |
| — 1 болага ўрта ҳисобда | бир ойга (сўм-купон) | 11667 | 11667 | |
| — барча болаларга тўланадиган жами маблағлар | бир ойга (млн. сўм-купон) | 7700,2 | 7700,2 | |
| 4. Нафақаларнинг барча турлари бўйича сарфланадиган жами маблағлар: | | | | |
| — ойига (млн. сўм-купон) | 10785,6 | 93553,1 | 8,6 | |
| — йилига (млрд. сўм-купон) | 129,6 | 1122,6 | 8,6 | |

# МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

***Вазирлар Маҳкамасида давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни мазкур комиссия раиси, республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.***

Мажлисда комиссия қарорларининг бажарилиши ҳақидаги ахборот тингланди. А. Муталов давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ҳақида гапириб, жумладан, бундай деди:

– Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш, афсуски, ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек боряпти, деб бўлмайди. Кўпгина туманларда эски шиорлар, лавҳалар ҳамон турибди. Айрим вазирлик ва идораларда ҳам бу муҳим масалага эътиборсизлик билан қаралаётгани ачинарлидир. Масалан, Вазирлар Маҳкамасига Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги шу йилнинг тўрт ойи мобайнида юборган 129 та ҳужжатнинг бирортаси ҳам давлат тилида ёзилмаган.

Айрим раҳбарларимизда давлат тилига эътибор борасида миллий ғурур, ватанпарварлик, юртга, халққа фидойилик етишмаётганга ўхшайди.

Мажлисда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши борасидаги комиссия қарорининг қандай бажарилаётгани муҳокама этилди. Бу ҳақда республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ҳ. Бектемиров, авиакомпания бош директорининг биринчи ўринбосари А. Рўзиметов ахборот берди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида давлат тилини амалиётга татбиқ этиш борасида бирмунча иш қилинганига қарамай, ҳали бу соҳада анча камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Унинг деярли барча бўлимлари ва ҳудудий бошқармаларида иш фақат рус тилида юритилаётгани, пойтахт аэропортида эълонлар давлат тилида ўқилмаётгани ва ўзбекча маълумотномалар, лавҳалар етарли эмаслиги қайд этилди.

Мажлисда республика Прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи В. Қосимов давлат тили ҳақидаги Қонунга амал қилмаслик ҳоллари ва уларга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан комиссия аъзолари П. Қодиров, И. Раҳим, Э. Юсупов, Б. Бойқобилов, М. Абдусаломов, А. Аъзамхўжаев, З. Ҳакимов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

*Халқ таълими вазирлигида*

# ТАРАДДУД

Республикамиздаги умумтаълим мактабларида ўқишлар тугаб, айни паллада янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Халқ таълими вазирлиги бу йилги мавсумни ҳам кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида аниқ режа ва тадбирлар асосида иш бошлади.

Ўтган ҳафта янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича тузилган штабнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вазир Жўра Йўлдошев очиб, галдаги вазифалар, жойларда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Сусткашликка йўл қўяётган раҳбарларга қаттиқ чоралар кўрилишини, юзага келган мураккаб бир шароитда кўпроқ ички имкониятлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Вазир муовини Муртазо Султонов республика бўйича мактаблар қурилиши, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари кўлами ҳақида ҳисобот берди. Вилоятларда бу каби ишларнинг қандай олиб борилаётганлиги аниқ рақамлар асосида кўрсатилди. Илғорларга раҳмат айтилиб, қолоқлардан депсиниш сабаблари ва муаммолари ҳақида сўралди.

Йиғилишда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1994 йилда металл парчаларини йиғиш ва топшириш бўйича давлат буюртмасини бажариш масаласи ҳам кўрилди. Маълум бўлишича, муддат тугаганига қарамай, кўпгина илм масканлари, ташкилотлар зиммаларидаги режани уддалашмаган. Ж. Йўлдошев бу вазифанинг моҳиятидан келиб чиқиб, белгиланган мажбуриятини бажармаганларга имкониятларни ишга солиб, қисқа вақт ичида қора ва рангли металларни йиғиб топширишларини уқтирди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг мазкур ишга мутасадди ходимлари иштирок этишди.

**МУХБИРИМИЗ.**

*Халқ таълими ва ҳокимият*

# ТАШАББУС

Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 17 та мактаб, 27 та болалар боғчаси, 5 та мактабгача тарбия муассасалари Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, шаҳар ҳокими Азим Зайниддинов ташаббуси билан янги ўқув йилигача тўла газлаштириладиган бўлди.

— Келажагимиз ёшлар қўлида, деймиз-у, бунинг учун уларга имкониятлар яратиб бермасак, бизни ҳеч қачон, ҳеч ким кечирмайди, — дейди Азим Зайниддинов. — Шу боисдан ҳам шаҳардаги барча ташкилотлар раҳбарлари эътиборини ана шу масалага жалб этдик. Бошланган хайрли иш тезда ўрганилиб, лойиҳа-смета ҳам тузилди. Умумий харажатлар ҳисоблангандa 250 миллион сўмни ташкил этди. Албатта, катта миқдордаги бу маблағ кимнинг ҳисобидан бўлади, деган савол туғилиши табиий. "Ҳисоригидрострой", шаҳар гўшт комбинати, газлаштириш идораси, 24-автобус ва 8-таксопарк саройи, "Ҳужум" фабрикаси, 531-қурилиш-монтаж ташкилоти, Кресталл заводи, вино-шароб заводи каби ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда оталиқ ташкилотлари кетадиган сарф-харажатларни ўз зиммаларига оладиган бўлишди.

Айни пайтда керакли материаллар келтирилиб, иш бошлаб юборилди. Мақсадимиз барча муассасаларни тўла газ билан таъминлаб, ҳам ўқувчиларимизга, ҳам заҳматкаш муаллимларимизга янги ўқув йили туҳфасини тақдим этишдан иборатдир.

**Омон ТЎРАЕВ,**
**шаҳар халқ таълими бўлими мудири.**

*27 июнь — матбуотчилар куни*

# СОЛНОМАЧИЛАР БАЙРАМИ

*Дунёда касблар жуда кўп. Лекин ҳар бир касбнинг ўз ўрни, ўз гашти, ўз вазифаси, ўз йўналиши бор.*

*Халқимизда ҳар гулнинг иси бошқа, ҳар ҳунарнинг ўрни бўлакча, деган нақл бор. Журналистлик касби ҳам энг шарафли, энг ардоқли, айни замонда энг заҳматли касблардан бири сифатида тан олинган. Агар таъбир жоиз бўлса, журналистларни тарихчи — солномачи деб атагим келади. Дарҳақиқат, неча-неча асрлар тарихи, неча-неча насллар турмуши, не-не воқеалар баёни — давр ҳақиқати қаламкаш журналистлар яратган солнома зарварақлари орқали умрбоқийлик касб этади.*

*Журналистлик касбини танлаган жуда кўп инсонларни биламан. Неча йилдирки, уларнинг кўпчилиги билан ёнма-ён, елкама-елка туриб ишлаб, меҳнат завқини бирга татиб келмоқдаман. Аксарият ҳамкасбларим ҳаётда истеъдодли қаламкаш, зукко билимдон ҳамда қалби дарё меҳрли инсон сифатида обрў-эътиборга сазовордирлар.*

*Ҳаётимиз ҳамиша ўсишда, ривожланишда ҳамда янгиланишда. Ана шу буюк ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ озод Ўзбекистонимиз ва бахтиёр халқимиз мустақилликка эришганлигининг уч йиллигини кенг нишонлаш тараддудида. Шундай улкан шодиёна арафасида биз — журналистлар ҳам касб байрамимизнинг икки йиллигини шоду хуррамлик билан кутиб олмоқдамиз.*

*Улуғ айём кунларида онгли ҳаётини, бутун истеъдодини, билим ва маҳоратини, ҳатто соғлиғини ҳам бахшида этиб, касб-корини ардоқлаб, эъзозлаб, ҳалол меҳнат қилаётган касбдошларимдан бири Абдуғафур (Ғаффор) Маннопов ҳақида дил сўзларимни изҳор этгим келди.*

*Абдуғафур ака салкам 40 йилдан буён жамоамизда сидқидилдан меҳнат қилиб келаётир. Агар бу қаламкашнинг қоғозга туширган саҳифа-саҳифа мақолалари, очерклари, шеър ҳамда лавҳаларини жамлайдиган бўлсак, ўнлаб жилд китоб бўлиши табиий. Абдуғафур ака билан ишлаб, у кишидан сабоқ олган, унинг меҳрли — тарбиявий суҳбатларидан баҳра олган дўсту шогирдларининг сон-саноғи йўқ. Хусусан, "Маърифат" газетаси (аввалги "Ўқитувчилар газетаси") жамоасида Абдуғафур акани ҳамма-ҳамма устоз — мураббий сифатида иззат-ҳурмат қилади. Юзкўзидан доимо нур ёғилиб турувчи Абдуғафур ака ҳамиша қувноқ, хушчақчақ ва айни чоғда ўта сезгир ҳамда талабчандир. У кишида жамоа йиғилишлари ёки шодиёналарига файз киритадиган, ўз шеърлари ёки теша тегмаган гаплари билан кайфиятни кўтарувчи фазилатлар мавжуд.*

*Айни кунларда 60 ёшни қаршилаган Абдуғафур аканинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди — "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони берилди.*

*Абдуғафур Маннопов қатори барча ҳамкасб дўстларни, жамоатчи мухбирларни ҳамда газета чиқаришнинг барча жабҳаларида сидқидилдан меҳнат қилаётган босмахона ходимлари — ҳарф терувчилар, саҳифаловчилар, монтажчилар, чоп этувчилар ҳамда газетани мушатарийларга вақтида етказиб беришда жонбозлик кўрсатаётган алоқа бўлими ходимларини ҳам матбаа куни билан муборакбод этамиз.*

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

# САВОДХОНЛИК ДАСТУРИ

## ёхуд мактабда чизмачилик ўқитишни такомиллаштириш концепцияси лойиҳаси ҳақида баъзи бир мулоҳазалар

"Маърифат" газетасининг 1993 йил 29 декабрь сонида чизмачилик концепцияси лойиҳаси эълон қилинганидан кейин Республика ўқув-методика маркази ва газета таҳририяти ўқитувчилар, методистлар ва мутахассис педагог-олимлардан лойиҳа ҳақида фикр ҳамда мулоҳазалар битилган кўплаб хатлар олди. Муаллифларнинг кўпчилиги концепция лойиҳасини маъқуллаганлар, бошқалари уни амалга оширишга баҳоли қудрат кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Айрим муаллифлар эса ҳужжат мазмунига тегишли таклифлар киритишни лозим топганлар. Қуйида хатларда билдирилган фикр-мулоҳазалардан намуналарни ҳамда концепция ижодкориларидан бири, Республика ўқув-методика марказининг бош мутахассиси, педагогика фанлари номзоди Аҳматхон Умронхўжаевнинг изоҳ ва хулосаларини эълон қилаётирмиз.

**Акбар Комилов, Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 6-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси:**

Концепциянинг босилиб чиқиши бизни беҳад хурсанд қилди. Чизмачилик ўқув предмети сифатида ҳамма фанлар қатори ягона мавқега эга бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Агар концепциядаги энг етакчи ғояни ажратиб кўрсатиш эҳтиёжи туғилса, мен "Техникавий фикрни график тасвирлар воситасида ифода этиш"ни биринчи ўринга қўйган бўлур эдим Дарҳақиқат, концепциядаги ҳамма ғоялар фикрни график воситалар билан ифодалашга қаратилган. Аммо фикрнинг график моделини ўқувчиларда таркиб топтириш биз ўқитувчилардан кўп нарсани талаб қилади. Булардан энг муҳимларини қуйида кўрсатиб ўтмоқчиман:

Биринчиси, ўқитувчининг методик маҳоратини ошириш.

Иккинчиси, мактабларнинг ушбу фан бўйича моддий базасини таъминлаш.

Учинчиси, ўқув фанининг дидактик таъминотини концепция ғоялари билан мувофиқлаштириш.

Бу муаммоларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғланиб кетганки, бирининг ечимини топилиб, иккинчиси тушириб қўйилса, концепция ғоялари амалга ошмай эскича қолавериши мумкин. Фикримизча, амалий курслар ташкил этиш, семинарлар ўтказиш йўли билан ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш зарур бўлади.

Чизмачилик фанининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўқитувчи ҳар қанча билимдон бўлса ҳам, қўл остида етарли миқдорда тарқатма материаллар, топшириқ-карталар бўлмаса, унинг методик маҳорати сариқ чақага ҳам арзимаслиги мумкин. Шунинг учун концепцияда айтиб ўтилган дидактик муаммоларнинг ечимини топиш бўйича иш бошлаб юбориш лозим. Биз ўқитувчилар бу савобли ишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

Яна битта таклиф: Тошкент шаҳри ва туманларида методик кунларни концепция вазифаларини бажаришга оид методик ишларга бағишласак, фикрларнинг тўпланишига, уларни умумлаштиришга, пировард натижада чизмачиликни мактабда ўқитишнинг яхшиланишига эришган бўламиз.

Ўқув фанини Республика ўқув-методика маркази таклиф қилганидай "Техникавий графика асослари" деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. "Чизмачилик" деган ном эса кенг маънода чегараланган "Чизмакаш" маъносини билдиради.

**Ж. Ёдгоров, Бухоро давлат университетининг профессори, Ю. Аҳмедов, шу университет доценти:**

— Лойиҳада илгари сурилган ғоялардан энг асосийси чизмачилик курсини ўқитишда шахсий компьютердан фойдаланишдир. Табиийки, мактабда чизмачилик ўқитишда шахсий компьютердан фойдаланишни жорий этиш учун ўқитувчи мутахассисларни тайёрлаш муаммоси пайдо бўлади. Бу масалани ҳал этиш борасида университетимиз бадиий графика факультетида маълум тажриба тўпланган. Битирувчи талабаларнинг аксарияти шахсий компьютердан фойдаланиб машинавий графика элементларини ўз диплом ишларига тадбиқ этмоқдалар. Чизмачилик таълиминии компьютерлаштириш соҳасида олиб борилган илмий методик тадқиқотларимизнинг натижаси бир неча бор журналларда эълон қилинди. Бинобарин, мактаб учун зарур компьютердан фойдаланиш методикасининг ечими топилган деб ҳисоблаш мумкин. Машинавий графика бўйича бирор университет ёки олийгоҳда ўқитувчилар малакасини ошириш курсини ташкил этишни жуда керак ва зарур деб ҳисоблаймиз. Қуйидаги фикрни лойиҳага киритишни лозим деб топамиз:

Техника олийгоҳларида математикадан ўтказиладиган кириш имтиҳони тест синови саволларининг учдан икки қисми геометрия ва чизмачилик фанлари саволларидан тузилиши лозим.

Лойиҳада "...чизмачиликдан дарс бериб келаётган ўқитувчиларнинг аксарият кўпчилиги тегишли олий маълумотга эга эмас" дейилган. Бу муаммони ҳал этиш учун чизмачилик фани ўқитувчиларини тайёрлайдиган олийгоҳларнинг 1-курсига қабул қилинаётган талабалар сонини ошириш лозим. Бу таклифни вазирлик инобатга олиши жоиз, деб биламиз.

Концепция ғоясининг иккинчи босқичини амалга ошириш учун республикамиздаги барча бадиий графика факультетлари учун ўқув режасига "Машинавий графика ва дизайн асослари"ни қатъий фан сифатида киритиб, "Геометрик моделлаштириш ва машинавий графика" бўйича мутахассис тайёрлашни режалаштиришни Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддиларидан илтимос қиламиз.

**Х. Ўроқов, Касби тумани Б. Примов номидаги 46-ўрта мактабнинг биринчи тоифали ўқитувчиси:**

— Мен ўн йилдан буён мактабда чизмачиликдан дарс бериб келмоқдаман. Чизмачилик курсини тўққиз йиллик мактабларнинг 8-9-синфларида ўқитиш айни муддаодир. Бу фан 9-синфда ҳафтасига ҳеч бўлмаганда икки соатдан ўқитилса, фойдадан холи бўлмайди. Таянч мактабларда ўқув материалини кенгроқ қилиб тушунтиришга имкониятлар яратилса, олий ўқув юртларининг техника йўналишига ихтисослашган бўлимларида таълим олаётган талабалар ушбу фанни ўзлаштиришга қийналишмайди.

**У. Юсупов, Бухоро вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг методисти:**

— Лойиҳадаги 3-бўлимнинг биринчи банди "Алоҳида геометрик жисмларнинг чизмалари ва яққол тасвирларини аниқ техник деталлар мисолида ўрганиш" деган фикр келтирилган. Ҳар қандай буюм ва деталнинг асосида геометрик жисмларнинг йиғиндиси туради. Буни чизмаларни геометрик таҳлил қилишда ҳам кўрамиз. Шунинг учун геометрик жисмларнинг чизмаларига бир соат вақт ажратилишини лозим деб биламиз.

Ўқувчи чизмани ўқиш ўрнига чизишга кўпроқ вақт сарфлайди. Бу катта нуқсонни бартараф этишда институтимизнинг чизмачилик кабинети махсус услубий тавсиялар билан қатнашишни ўз зиммасига олади.

**Г. Тубаев, Б. Турдиев, Д. Нуъмонов, Наманган давлат университети доцентлари:**

— Лойиҳада мактаб графикавий таълими мазмунини янгилаш ишонарли далиллар билан исботлаб берилган. 7-8-синфларда ўтиладиган амалдаги чизмачилик дарсларини 8-синфдан бошлаш, техникавий йўналишдаги мактабларда бу ўқув предметини чуқур ўрганиш учун 2 соат ажратилиши айни муддаодир. Чунки техникани чизмачиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, амалдаги факультативнинг уйғунлаштирилган мазмуни тўққиз йиллик мактаб ўқувчиларининг қисқа вақт орасида уч йиллик ўқув материалини икки йилда ўзлаштириб олишларига имкон беради. Аммо тўққиз йиллик мактаблар учун ҳафтасига бир соатдан ажратилган дарсларни, имконият топиб, бир соатга кўпайтириш йўлини ўйлаб кўрмоқ лозим.

Ўқитувчилар чизмачиликни чуқур ўргатадиган синфлар очилишини хоҳлайдилар, кейинги вақтларда ўқувчилар орасида ҳам чизмачиликка қизиқиш кучайиб бормоқда. Аммо айрим мактаб раҳбарлари бундай хайрли ва фойдали ишга бефарқ қараётирлар. Натижада ўқувчиларда ўқув фанига нисбатан ниш ураётган қизиқиш сўниб бормоқда. Масалан, бизнинг вилоятимизда чизмачиликни чуқур ўргатадиган бирорта синф очилмаган. Бинобарин, республика мактабларида шундай синфлар очиш механизмини ишлаб чиқиш фурсати етиб келди.

Ўқув фанини янгича номлаш ҳақида фикр юритадиган бўлсак, Россияда мактаб ўқувчиларининг қайта тайёрланаётган дарслигини "Техникавий графика" номи билан аташга қарор қилинган. Европа мамлакатларида ҳам шу маънони берувчи ном билан аталмоқда. Модомики, тўққиз йиллик мактабда чизмачиликнинг асоси ўқитилар экан, концепцияда ифодаланган ном ўқув предметининг тўла мазмунини очиб беради.

**И. ИБРОҲИМОВ, Нурота туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси:**

— Концепциядаги "Ҳеч бир фан ўқувчиларнинг фазовий тасаввур ва тафаккурини чизмачиликдай ривожлантира олмайди"ган сўзни чизмачилик пештахтасига ёзиб қўйиш, ўқувчиларга ҳақиқий пухта билим бериш услублари устида ишлаш вақти келди.

Чизмачиликдан дидактик таъминот қониқарли бўлмас экан, ўқитишнинг сифати эскича қолавериши мумкин. Моделлар, ўқув плакатлари ва тарқатма материалларни тезроқ ишлаб чиқариб мактабларга етказиб бериш керак.

Лойиҳага "Чизмачилик ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича дастур — қўлланма ишлаб чиқиш" қўшимчасини киритишни таклиф қиламиз. Бундан ташқари, чизмачиликдан тест саволлари тўпламини тайёрлаш, компьютер техникасидан фойдаланиш методикаси яратишни лойиҳа матнига киритиш зарур.

**А. УМРОНХЎЖАЕВ, педагогика фанлари номзоди:**

— Авваллари мактабга оид ўқув-дастурий ҳужжатларни тайёрлашда педагогик жамоатчилик фикри билан унчалик ҳисоблашилмасди. Марказдан юборилган ҳар қандай ҳужжатнинг ўзбекчага ағдарилган вариантига ўрганиб қолган эдик. Оқибат кўплаб дастурий ҳужжатларимиз республикамиз шарт-шароитларига мос келмасди. Ҳозирги кунда мактабга дахлдор ҳар бир ҳужжат, ҳар бир концепция умумхалқ ва педагогик жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинаётганини Республика Халқ таълими вазирлигининг дадил қадамлари деб тушунамиз.

Мактабда чизмачилик таълимини такомиллаштириш концепцияси лойиҳасини кенг педагогик жамоатчиликнинг ҳукмига ҳавола қилишдан асосий мақсад, биринчидан, мутахассис ўқитувчиларни мактабда графикавий савод ўргатишнинг такомиллашган мазмуни билан таништириш, иккинчидан, билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида уни янада мукаммаллаштириш эди. Айрим хатлар муаллифлари концепция ғояларини амалга ошириш босқичларида бевосита иштирок этиш ташаббуси билан чиқаётганликларини табрикламоқ керак.

Аксарият муаллифлар ўқув соатини ошириш таклифини киритмоқдалар. Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича ўқув соатини кўпайтиришга интилиши табиийдир. Аммо, шуни ҳисобга олмоқ лозимки, биринчидан, янги мазмуннинг ҳажми таклиф қилинаётган вақт бюджетига мослаштирилган, иккинчидан, ўқув соатларининг асоссиз кўпайтирилиши бошқа фанларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Айни вақтда табиий-математика ва техникавий йўналишдаги мактабларда чизмачиликнинг чуқур ўрганилиши, бундан ташқари, мазмуни ихчамлаштирилган факультатив ҳамда 10-11-синфларда ўрганиладиган техникавий графика билан дизайн асосларининг омухта курси болаларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондира олади, деб ўйлаймиз.

Бир гуруҳ муаллифлар таклиф қилган методик тайёргарликни такомиллаштириш дастури эътиборга олиниб, муайян ишлар бошлаб юборилди. Ўқув-дидактик воситалар комплексини тайёрлаш ишлари Республика ўқув-методика марказининг диққат марказида турибди. Уларнинг айрим саноат намуналари тайёрлаб қўйилди, бошқаларини эса янгидан яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Биз хатларни таҳлил қилиб, чизмачилик фанига ўқитувчи ва методистларнинг муносабати ўзгараётганини, республикада техникавий тафаккур соҳиблари кўпаётганини, мактабларимизда чизмачилик фани ўқитилиши яхшиланаётганини ҳис этдик. Республика ўқув-методика маркази маъмурияти концепция лойиҳаси муҳокамасида қатнашган барча мутахассисларга миннатдорчилик билдиради.

# АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ

## ТАХМИНИЙ ТАВСИЯНОМА

Республикамизнинг мустақил деб эълон қилиниши, халқ хўжалиги бошқарувининг бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосига кўчиши барча соҳалар сингари халқ таълими тизимида ҳам қайта ташкил этиш вазифасини ўртага қўйди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни шундай эҳтиёж ифодаси, халқ таълими ривожининг туб асосидир.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг халқ таълимини давр талаби, яъни жаҳон стандарти талаблари даражасига кўтариш, педагог ходимларни, ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби мазмундаги бир қатор фармонлари халқ таълимига жиддий эътибор, айниқса, ўқитувчига бўлган талаб кучайиб бораётганидан далолатдир. Шунингдек, шу йилнинг май ойида чақирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида Президентимиз сўзлаган нутқида: "Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз — инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса, айниқса, ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур," — деб алоҳида таъкидлади.

Халқ таълими ходимларига республика раҳбариятининг бундай катта эътибори, ҳурмати ва ишончига жавобан ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида самарали ва ҳалол меҳнат қилишимиз керак бўлади. Янги ўқув йилига тайёргарлик кўрар эканмиз, анъанага айланиб қолган ҳар йилги август кенгашларидан воз кечмай, балки уни ҳозирги давр талаблари даражасида ўтказишда ноанъанавий услуб ва шакллардан фойдаланишимиз, мазмунан бойитиб, шаклан такомиллаштириб боришимиз зарур. Бу кенгашларни ошкоралик ва эркин баҳс-мунозара шаклларида олиб бориш керак.

Йиғилишларни халқ таълими тизимининг барча бўғинлари, жумладан, мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, янги турдаги ўқув муассасаларида ва мактабдан ташқари ўқув муассасаларида янгича услуб ва мазмун жиҳатдан кўтаринки руҳда ўтказиш зарур.

Халқ таълими ходимларининг август кенгашларини уч босқичда ўтказишни тавсия этамиз:

— биринчи босқич — вилоят, шаҳар, туман ялпи йиғилишлари;

— иккинчи босқич — шаҳар, туманларнинг методик шўъба (секция) йиғилишлари;

— учинчи босқич — мактаб ва боғча педагогик жамоаларининг август кенгашлари.

Сўнгги босқични ҳар бир мактаб, ҳунар-техника билим юрти, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларда якунлаш жуда муҳимдир.

Вилоят, шаҳар, туманлар ялпи йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ таълими соҳасига тааллуқли фармонларининг, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг таълимни ривожлантириш борасидаги қарор ва кўрсатмаларининг бажарилиши, шунингдек, халқ таълими ривожланишининг педагогик диагностик таҳлили, ўтган ўқув йилидаги тест-синов натижалари муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига кейинги пайтда мактаб, ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ўртасида қонунбузарлик, интизомсизлик ҳолатлари кўпайиб бораётгани, тарбиячилар, ўқитувчилар орасида ҳам нопок шахслар учраётгани хусусида ахборотлар келмоқда. Вазирлик ҳайъатининг қарорларида, буйруқларида, тадбирларида қонунбузарликнинг олдини олиш борасида аниқ кўрсатмалар берилишига қарамай, мактаб ўқитувчилари, раҳбарлари, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари, вилоят халқ таълими бошқармалари раҳбариятлари мазкур ишларга етарли эътибор бермаётирлар.

Вазирликнинг 1994 йил 21 апрелда барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарларига юборган ва аниқ далиллар келтирилган хатида мустақилликка эришган ва дунё миқёсида кундан-кунга эътибори ортиб бораётгани давлатимизнинг келажаги — болаларимизнинг ҳаёти, саломатлиги учун барчамиз масъул эканлигимиз, таълим тизимидаги барча раҳбарлар бу масалада қатъиятли бўлишлари, нопок шахсларга нисбатан муросасизлик, болаларимизга давр талаблари асосида таълим-тарбия бериш, барча тирик мавжудотларга, шу жумладан, инсонга озор бериш гуноҳи азим эканлиги таъкидланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, болалар ўртасида жиноятчилик, тарбиячилар ва ўқитувчилар ўртасида ахлоқбузарлик ҳолатлари жиддий муҳокама қилиниши зарур.

Президентимиз "Йўлимиз — мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли" маърузасида республикамиз халқ хўжалиги соҳасида қилинаётган кенг кўламли ишлар, эришилган ютуқлар, амалга оширилиши лозим бўлган ва ўз ечимини кутаётган масалалар хусусида батафсил тўхталиб ўтди. У халқ таълими тизимидаги баъзи муассасаларнинг моддий аҳволи, жойлардаги раҳбар ходимлар, ишбилармонлар тўғрисида: "Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутади. Афсуски, шу моддий ҳақиқатни айрим раҳбарларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларимиз етарли даражада тушуниб олмаганга ўхшайди. Баъзи жойлардаги мактабларга, болалар боғчаларига, касалхона, кутубхона ва музейларга бир назар солинг. Улар анча ночор аҳволда. Давлат қўлидан келганича ёрдам бераяпти, лекин бу озлик қилади. Бунинг устига айрим корхона раҳбарлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, корхоналарга қарашли ижтимоий муассасалардан қутулишга уринмоқдалар", — деб таъкидлади.

Бу фикрдан келиб чиқадиган энг муҳим хулоса шундай, таълим муассасаларининг моддий аҳволини яхшилаш фақат шаҳар, туман халқ таълими бўлимларининг вазифасигина бўлиб қолмай, маҳаллий ҳокимият, ташкилот, корхона, хўжалик раҳбарларига ҳам тааллуқлидир.

Шўъба йиғилишларида мактаб ўқувчилари, умуман, барча ўғил-қизларни маънавий ва аҳлоқий баркамол қилиб ўстириш борасидаги "Соғлом авлод учун" дастури талабларини бажариш 5—6-синфлар таянч таълимга ўтиши муносабати билан ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масала сифатида муҳокама қилиниши керак.

Мактаб, мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари шўъбаси йиғилишида болаларнинг озиқ-овқатдан заҳарланишининг олдини олиш, тозалик ва санитария-гигиена талабларига тўлиқ амал қилиш ҳақида фикр юритиш зарур.

9-синфни битирган ўқувчилар келажаги учун фақат мактабни масъул деб қарамаслик керак. Бу барча манфаатдор ташкилотларнинг вазифасидир.

Яъни, ўқувчининг ўз истагига ва билимига кўра, қаерга бориб ўқиши ёки ишлаши инобатга олиниб, шу хусусда иш ўрни ёки янги турдаги таълим муассасалари сонини кўпайтириш масалалари ўрганилиши шаҳар ва тумандаги ҳунар билим юртларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида истиқбол-режа ишлаб чиқилиши ва август кенгашларида муҳокама қилиниши, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинмоғи маъқул.

Ялпи йиғилишлар маҳаллий ҳокимият, халқ ноиблари, корхона, хўжаликлар, жамоатчилик, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият муассасалари, маҳаллий қўмиталар ва халқ таълими муассасалари тасарруфида бўлган ташкилот раҳбарларининг бевосита иштирокида ташкил этилади, тадбирлар белгиланади.

Мозийга назар ташласак, халқимиз ўзининг бой ўтмиши, тарихи, маданияти, илм-маърифати, миллий урф-одатларига эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шу жумладан, қадриятларга бой миллий педагогикамиз ҳам ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Биз, албатта, шаклланган, такомиллашган, дастлабки манбалари шарқнинг буюк мутафаккирлари ал-Беруний, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Авлонийларнинг педагогик қарашларидан таркиб топган таълим тизимимиз билан фахрланамиз. Шу боис, ёш авлод таълим-тарбиясида буюк алломаларимиз меросидан, халқ педагогикасининг услубларидан фойдаланишимиз ва ўқувчиларимизга халқимизнинг ўтмиши, миллий қадриятларимиз ҳақида етарли тушунчалар беришимиз зарур. Бу масалалар тегишли фанлар шўъбалари кун тартибида муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугунги кунда жамиятимиз учун ҳар томонлама камол топган, фан-техника тараққиётини ҳаётга тадбиқ эта оладиган етук, малакали кадрлар тайёрлаш масаласи турибди. "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг "Умумий таълим" бўлими 2-моддасида ҳам шу хусусда: "Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар билим, меҳнат ва бошланғич касблар кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек, ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди", — дейилади. Бу борада ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш билан бирга уларни мактабдан ва синфдан ташқари муассасаларга кўпроқ жалб қилиш керак. Шу боис, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари шўъба йиғилишларини мактабдан ташқари муассасалар раҳбарлари шўъба йиғилишлари билан қўшиб ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар йили ўрта умумий таълим мактабларини битирган ёшлар кўп миллионли меҳнаткашлар сафига қўшилмоқда. Мустақил Республикамиз уларнинг ҳар бири энг кўп фойда келтирадиган жойларда ишлашидан манфаатдордир. Ўқувчи-ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида мактабнинг амалий кўмаги зарур. Мактабдаги таълим-тарбия ишининг воситалари, жумладан, меҳнат таълими дарслари ҳам ана шунга қаратилиши лозим. Бунда ўқувчиларнинг жисмоний, ақлий, шунингдек, касбга бўлган қизиқишларини инобатга олиш керак. Халқ ҳунармандчилигига ҳам эътиборни қаратиш зарур.

Давр талабидан келиб чиққан ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш халқ таълими олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидаги педагогик тажрибалар шундан далолат бериб турибдики, болаларни мактабга тайёрлашда уларнинг ақлий, жисмоний, руҳий камолоти ва меҳнатсеварлигини таъминлашдан ташқари, уларнинг ўқишга ҳаваслари, ўз-ўзини бошқара олишга интилишлари, катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда бўла олиш, мустақил фаолият кўрсатиш, пировард-натижада ўқиш ва ёзишни, энг содда математик ҳисоблашни ўрганиб олишларига эришиш лозим. Бу эса уларнинг келгуси босқичда ўқишни муваффақиятли давом эттиришларида ва уларнинг шахс сифатида етук, баркамол бўлишларида дастлабки омил бўлади. Худди шу мавзу мактабгача тарбия шўъба йиғилишида асосий масала сифатида муҳокама қилинмоғи зарур.

Кейинги ўқув й лидан Ўрта Осиё халқларининг одоб-аҳлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаштирган "Одобнома" фани ўқув режага киритилганлиги, шунингдек, "Экология", "Иқтисодий билим асослари" дарслари мактаб компонентига берилганлиги муносабати билан мазкур фан ва дарсларни ўқитишни талаб даражасига кўтаришга эътиборни жалб этиш керак.

Экология сабоқларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зотан экологияни ўрганиш, уни яхшилаш ер юзида ҳаётнинг давом этишини таъминлайди. Табиатни, унинг инъомларини асраб-авайлаш, экологияни бузмаслик, уни муҳофаза қилиш борасида ёшларга таълим бериш хусусидаги маърузалар шўъба йиғилишларида муҳокама қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунларининг ҳаётга татбиғи борасида амалга оширилган ва оширилаётган масалалар шўъба йиғилишларида муҳокама қилинадиган асосий мавзулардан бўлиши лозим. Шу билан бирга, янги киритилган фанларнинг ўқитилиш натижалари ва муаммолари, таянч ўқув режасига ўтиш, тажриба-синов (эксперимент)лар ва уларнинг самаралари атрофлича таҳлил қилиниши керак.

Муҳокама этилган масалалар якунлари бўйича ҳар бир шаҳар, туманнинг кенг миқёсли дастурини қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фанлар бўйича методик шўъбалар (иккинчи босқич) иш фаолиятини, муҳокама қилинажак маърузалар мавзусини шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари белгилайдилар.

"Йил ўқитувчиси", "Йил мактаби", "Йил тарбиячиси" кўрик-танловлари ғолиблари, илғор педагогик иш тажрибасига эга бўлган халқ таълими ходимларининг иш тажрибалари билан ўқитувчилар ва тарбиячилар атрофлича таништирилса, айни муддао бўлади.

Август кенгашларида 1993 йилда ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига тест-синов шартлари асосида кириш чоғида фанлардан олган балларни кўрсатувчи вазирлик ўрта умумий таълим Бош бошқармасининг диагностик таҳлилини чуқур муҳокама қилишни, ўқитувчиларнинг иш режалари билан танишишни, илғор ўқитувчиларнинг намунали ўқув қуроллари, қўлланмалари кўргазмаларини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Ўқитиш ва тарбия ишини жадал ривожлантириш жараёнида тараққий этган хорижий мамлакатларнинг иш тажрибасини ўрганиш ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ўринда "Маърифат" газетасининг шу йилги 16 март ва 27 апрель сонларида эълон қилинган "Японияда таълим" ва "Америка Қўшма Штатларида таълим" каби мақолалар ҳамда "Ўзбекистон Республикаси таълими тараққиёт йўлида" рисоласи муҳим манба вазифасини ўтайди.

Кейинги пайтда ўқув жараёнига киритилган ва к ритилаётган янги ноанъанавий услублардан бири, яъни ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш, битириш имтиҳонларини тест-синов шартлари асосида ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам йиғилишларда кенг муҳокама қилиниши лозим.

Август кенгашларини 20 августдан бошлаб, шўъба машғулотларини икки кунда ўтказишни, кейинги куни намунали мактабларнинг ишини ўрганиш учун жойларга, янги турдаги ўқув муассасаларига боришни тавсия этамиз. Биринчи ва иккинчи босқичларда кўрилган масалаларнинг натижалари сўнгги босқичда, яъни мактаблардаги йиғилишларда умумлаштирилиб якунланади.

Кенгашларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар Халқ таълими вазирлиги, умумий ўрта таълим Бош бошқармасига якуний хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқдир.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БОШ БОШҚАРМАСИ.**

# ФИДОЙИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Мустақиллигимиз одимлаган сайин иқтидорли ўқувчиларга ва улар билан ишловчи устозларга эътибор ошиб бормоқда. Кейинги икки йилда республика фан олимпиадаларининг ғолиблари олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинмоқдалар. Юртбошимизнинг иқтидорли ёшлар билан жиддий ишлашга қаратилган фармонлари натижасини бера бошлади.

Республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида Тошкент шаҳри мактабларининг 25 битирувчиси ғолиб келиб, вилоятлар ичида энг юқори натижага эришдилар. Яқинда Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармасида олимпиада ғолиблари, уларнинг устозлари ва шаҳар жамоаларини мусобақаларга тайёрлашда фаол иштирок этган услубчилар йиғилишди. Бу тантанали йиғилишда ютуққа эришган ўқувчиларга республикамиздаги олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун гувоҳномалар ва фаол мураббийларга "Халқ таълими фидойиси" нишони топширилди.

Ўқувчиларга гувоҳномаларни республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев топширди ва уларнинг келажакда мамлакатимиз учун зарур бўлган йирик мутахассис ва олимлар бўлиб етишишларига умид билдирди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълими Бош бошқармаси биргаликда таъсис этган янги "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларни халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев топширди. Бу мукофотга сазовор бўлган халқ таълими ходимлари то нафақа ёшига етгунларича маошларига 5 фоиз қўшимча ҳақ оладилар.

Биринчи бўлиб мукофотга сазовор бўлган халқ таълими ходимлари орасида кўпчиликнинг ҳурматини қозонган Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактабнинг информатика ва математика ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Турғунхўжа Азларов, 92-мактаб ҳинд тили ўқитувчиси Дилором Юсупова, 33-ҳунар-техника билим юрти чизмачилик ўқитувчиси Ольга Нам, Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси Собоҳат Умарова, 166-мактаб математика ўқитувчиси Людмила Горлова, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш инс итутининг тарих хонаси услубчиси Мукаррам Мўйдинова каби фидойи маорифчилар бор.

**А. АКМАЛОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**

## «Маърифат» хабарлари

### Истиқлол мадҳи

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Хусрав Деҳлавий номидаги 4-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларининг ўрта таълим биринчи босқичини якунлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Таълимнинг иккинчи босқичига қадам босишга тайёргарлик кўраётган ўқувчилар бу тадбирга ўз қўлларига илк бор қалам тутқазган, билим сирларидан баҳраманд этган устозларига миннатдорчилик билдириш учун тўпландилар.

Ўқувчилар бобокалонларимиз меросига таянган ҳолда ўтмиш, келажак ҳақида ўрганган илмларини намойиш этдилар. Ватан, Истиқлол, она, устоз, табиат ва дўстликка бағишланган ажойиб шеърлар, ҳикматли сўзлар, Қуръони каримдаги ота-она ва устозлар ҳақидаги оятларни ёд айтиб, йиғилганлар олқишига сазовор бўлишди.

**Гулчеҳра РЎЗИЕВА.**

●

### Кўрик-танлов якунланди

Пайариқ тумани маорифчиларининг "Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танловида туман ҳокими ўринбосари М. Турғунова, хотин-қизлар қўмитаси раисаси М. Султонқулова, ота-оналар, мактаб жамоалари иштирок этишди.

Танлов қатнашчилари ўз касбининг устаси, болажон, билимдон эканликларини намойиш қилишди. Улар томонидан тайёрланган саҳналаштирилган очиқ дарслар, бадиий саҳна кўринишлари, савол-жавоблар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. У. Мавлонов номидаги мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси М. А. Абдусаматова биринчи, 14-мактаб ўқитувчиси Х. Тоштемирова иккинчи, 26-мактаб ўқитувчиси А. Ҳимматов учинчи ўринни эгаллади.

**Абдуғани ИСРОИЛОВ.**

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**Муштарийлар саволларига Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим мактаблари Бош бошқармаси ходимлари жавоб берадилар.**

**САВОЛ: Туманимизда ўқитувчилардан дарсга тайёрлаган кўргазмали қуроллари эмас, дарс конспектлари талаб қилинади. Акс ҳолда, мактаб маъмурияти конспектсиз ўқитувчини жазолаши ҳам мумкин. Лекин конспектни ҳеч ким ўқиб ҳам кўрмайди. Бас, шундай экан, конспект ёзиш учун кетган вақтни ўқитувчи ўз устида ишлашга, кўргазмали воситалар тайёрлашга сарфлагани маъқул эмасми?**

**Жумабой ВОИСОВ.**

Амударё тумани.

ЖАВОБ: Гарчи, дарс конспектларини ёзиш ҳамма учун шарт бўлмаса ҳам, ўз фанини ўқитиш методикасини ҳали етарлича эгалламаган, ёш ўқитувчилар дарс жараёнидаги баъзи педагогик ҳолатлардан осон чиқа олишлари ҳамда ўзларига тўла ишонч ҳосил қилиб дарсга киришлари мақсадида дарсларга, албатта, тўлиқ конспект билан киришлари шарт.

Ўзига ишонган, педагогик маҳорати кучли, ўта билимдон ўқитувчилар эса дарсга тайёрланиш жараёнида дарсни қандай ташкил қилиши, ишни нимадан бошлаб, нима билан якунлашни ифодаловчи қисқа ва лўнда дарс режаси билан дарсга киришлари мумкин.

**САВОЛ: Чет тили чуқур ўргатиладиган мактабларда шу фан ўқитувчиларига қандай ёрдам берилади? Дастур йўқ-ку ! ..**

**Ҳ. ИМОМОВА.**

Бекобод тумани.

●

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, республикамизда чет тили чуқур ўқитиладиган мактаблар учун ўқув дастури яратилмаган. ХТВ ҳайъат кенгаши 1993 йил 14 майда тасдиқлаган 5/6 рақамли қарорга асосан чет тилини мукаммал ўргатадиган мактабда чет тили 1-ёки — 5-синфдан чуқурлаштирилиб ўқитилиши мумкин.

Бу масалани ҳал қилиш учун ХТВ томонидан чет тилини ўқитиш давлат стандарти ишлаб чиқилмоқда. Чет тилини узлуксиз ўқитиш стандарти ишлаб чиқилгач, унга биноан ўқув дастурлари ва дарсликлар яратилади.

Шу кунларда эса ўқитувчиларга ёрдам тариқасида газета ва журналларда чоп этиш учун мақолалар тайёрланмоқда. Янги ўқув дастурлари ва дарсликлар тайёрлангунга қадар Россия мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланиш мумкин.

●

**САВОЛ: Ҳозирда бошланғич мактаблар учун мусиқа ва тасвирий санъатдан бирорта ҳам дарслик йўқ. Дарслик қачон нашр этилади?**

**С. АҲМЕДОВ.**

Тошкент.

Бу муаммони ҳал этиш бўйича талайгина ишлар қилиняпти. Жумладан, "Ўқитувчи" нашриёти 1995-96 ўқув йилида бошланғич синфлар учун қуйидаги адабиётларни чоп этади:

Д. Омонуллаев, О. Иброҳимов. Мусиқа дастури; Д. Омунуллаев, О. Иброҳимов. Методик қўлланма; Д. Зоитова. Кўргазмали қуроллар; Р. Ҳасанов, Х. Эгамов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дастури; Х. Эгамов. Методик қўлланма; Х. Эгамов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнатдан жадваллар тўплами; Х. Эгамов. Икки қисмдан иборат альбом: "Ўзинг чиз ва бўя".

2, 3 ва 4-синфлар учун адабиётларни босқичма — босқич нашр этиш мўлжалланмоқда.

*Мактабгача тарбия муассасаларида*



# МУАММО ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Қибрай туманидаги "Наврўз" номли 26-болалар боғчасининг ташкил этилганига эндигина уч йил бўлди. Шу давр мобайнида бу ерда амалга оширилаётган бевосита тарбияга боғлиқ ишлар таҳсинга лойиқ. Чунончи, боғчада болаларнинг ҳар томонлама баркамол ўсишини таъминлашда бош-қош бўлаётган жамоа аҳли Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, кичкинтойларга керакли шарт-шароитни яратмоқда, тарбия ва таълимни ҳамкорликда олиб боришда жонбозлик қилмоқда. Янги типда қурилган боғча биносидаги замонавий дам олиш хоналари, турли хилдаги миллий ўйинчоқлар, илм ўрганиш хоналари, спорт зали кичкинтойлар хизматида.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Соғлом авлод учун" ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонидан сўнг оталиқ ташкилотлари, корхона ва муассасалар ҳам масалага жиддий ёндашиб, иқтисодий қийинчиликларга қарамай қўлларидан келган ёрдамларини аямаяптилар. Хусусан, боғча иқтисодини кўтаришда тумандаги дори-дармон тайёрлаш корхонасининг тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Айни пайтда "Наврўз" болалар боғчасида меҳнаткашларнинг 150 нафардан ортиқ жажжилари таълим-тарбия олмоқда. Бу ерда жонкуяр тарбиячилар мудира Зуҳра Бойаҳмедова ҳамда услубчи Назира Авазова бошчилигида бор маҳоратларини сарфлашмоқда.

Боғча замонавий типда қурилганлиги, ҳовли ва ўйингоҳларнинг талабга жавоб бера олиши билан бир қарашда кишини қувонтиради. Аслида ҳам шундай. Лекин ҳовли тўсинларининг оддий қилиб қурилганлиги боис боғча тасарруфидаги ерларга моллар кириб, экилган мевали ва манзарали дарахтларни синдириб юбормоқда.

Ўйлаймизки, юқорида таъкидланганидек, юртимиз келажаги бўлган жажжиларни тарбиялашда тинмай меҳнат қилаётган боғча ходимларининг арзимаган ушбу муаммосини мутасадди кишилар тез орада ҳал қилиб беришади.

**Х. МИРЗАКАРИМОВ.**

**Суратларда: боғча ҳаётидан лавҳалар.**

**Муаллиф олган суратлар.**



# "ҚУЁШНИ КУЛДИРГАН БОЛАЛАР"

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро хотин-қизлар конгресси қатнашчиларидан бир гуруҳи пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 394-болалар боғчасига бордилар. Ҳар галгидек боғча жамоаси бу меҳмонларни ҳам катта тайёргарлик билан кутиб олди.

Мазкур боғча республикамиздаги энг намунали мактабгача тарбия муассасаларидан бири. Унга раҳбарлик қилаётган Гулнора Қўчқорова республикада тарбиячилардан биринчи бўлиб, "Соғлом авлод учун" орденига сазовор бўлди. Ҳалқаро хотин-қизлар конгресси делегатларига бу кичкинтойлар маскани жуда ёқиб қолди.

"Ором" болалар дастаси ижросидаги "Қуёшни кулдирган болалар" адабий-бадиий композицияси меҳмонларни мамнун этди.

Улар компьютер, лингафон, хорижий тилларни ўрганиш хоналари, гуруҳлар ва боғчанинг сўлим боғини, қурилиб битаёзган мактаб-боғча биносини кўздан кечирдилар. Тантанада кўплаб ўзбек олимлари, санъаткорлар ҳам иштирок этдилар.

Фурсатдан фойдаланиб конференция қатнашчиларининг айримларини суҳбатга тортдим. Чжан Цинфан Умумхитой хотин-қизлар федерацияси халқаро ишлар ва алоқалар бўлими бошлиғи.

— Ўзбекистон менга жуда ёқди. Диёрингиз нимаси биландир Хитойга ўхшаб кетади. Истараси иссиқ ўзбек аёллари кўнглимда ёрқин из қолдирди. Жумладан, Гулнорахоним ҳам. У қилаётган ишлар таҳсинга сазовор экан. "Ором" болалар боғчасига ҳавасим келди. Хитойда бўладиган халқаро хотин-қизлар конгрессида "Ором"нинг тарбиячилари билан яна учрашишни истар эдим.

Замира Ақбағишева Қирғизистон Республикаси хотин-қизлар конгресси президенти, "Казина" газетасининг бош муҳаррири, республика матбуот ишлари фондининг раҳбари:

—Кенг феълли, болажон ўзбек халқига таъзим қиламан. Конгресс бизларни бир-биримизга яқинлаштирди. Ҳар биримизнинг дилимизда эзгулик куртаклари ниш отди.

Ҳабиба Икромова Тошкент архитектура институти ўқитувчиси,техника фанлари доктори, профессор.

— Конференцияда дўстлик ришталари боғланди. Аёллар жаҳоншумул муаммолари ҳақида баҳамжиҳат фикрлашдик. Умуман, тез-тез учрашиб туришимиз лозим. "Ором" болалар боғчасидаги учрашувларимиз ҳам ёдимиздан чиқмайди...

**Шарофат ИСКАНДАР қизи.**

Олтин ёз

# КУНЛАР ЗЕРИКАРЛИ ЎТМАЙДИ...

*Лавҳа*

Азиза ёзги таътил бошланганининг эртасигаёқ йиғма каравоти орасига кўрпача, ёстиқ ва чойшабларини жойлаб қўйди. Отаси йўл-йўлакай унинг юкини оромгоҳга ташлаб ўтадиган бўлди. Оила аъзолари баҳамжиҳат ўтириб нонушта қилдилар. Сўнгра онаси синглисини етаклаб юмушига жўнади. Ота-бола мактабга йўл олдилар.

Йўлакда турган ўқитувчи Гулноза Мамедова йиғилган болаларни муҳташам залга бошлаб кирди-да, "жойлашинглар",— дея кўрсатма берди.

Азиза дугонаси Нодира билан деразага яқинроқ жойни танлаб, йиғма каравотларини ёзди. Тўшакни тайёрлаб бўлиб, кенг ва сўлим боққа чиқдилар...

Юқоридаги кичик лавҳа Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган 110-мактабдан келтирилди.

Бу ёруғ гўшада ҳар йили кундузги оромгоҳлар актив фаолият кўрсатади. Бу йил икки сменада ўқувчиларнинг дам олиши ташкил этилди. Биринчи сменага 124 нафар бола қабул қилинди.

Кундузги оромгоҳда ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Спорт зали ва майдонларда ўғил-қизлар футбол, баскетбол, волейбол ўйнайдилар. Чўмилиш ҳавзаси ҳамиша тайёр. Бу ерда болалар чўмилиш билан бирга сузишни ўрганадилар.

Оромгоҳда мусаввирлик, бадиий ҳаваскорлик, мусиқа, шахмат-шашка каби тўгараклар ҳам ишлаб турибди. Бундан ташқари имкониятга қараб ўқувчилар шаҳарнинг манзарали, сўлим жойларига, кинотеатрлар ва музейларга олиб борилади. И. Литвиновская, Т. Усмонов, Г. Мамедова, М. Белова, С. Ханмурзина сингари тарбиячи-педагоглар оромгоҳдаги таълим-тарбия ишларини юритишда бош-қош.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, оромгоҳга йўлланма нархи 168 минг сўм-купонни ташкил этса-да, шундан 10 фоизигина ота-оналар гарданига тушади.

**Ш. НОРҚУЛОВА.**



Гаштли дамлар

## Андижон оромгоҳлари

Бундан бир неча йил бурун Андижон вилояти Хўжаобод районининг сўлим Дилкушод қишлоғида халқ таълими ходимларининг Бобур номли дам олиш уйи ташкил этилган эди. Ўтган ўқув йилида эса шу районнинг Ордай қишлоғида ҳунар билим юрти ўқувчиларининг дам олиш маскани очилди.

Халқ таълими ходимлари ва ўқувчиларнинг дам олишларини яхшилаш борасида янгиликлар яратиб туриш андижонликлар учун анъанага айланиб қолаётир. Чунончи, жорий йилда республикада биринчи бўлиб вилоят иқтидорли болаларнинг дам олиш уйи ҳам ўз бағрига ўқувчиларни қабул қилди. У ерда 150 нафар ўғил-қиз ҳам ўқиб, ҳам ҳордиқ чиқаришмоқда.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

## Қутлаймиз!



**Укажоним Исломжон УМАРОВ!**

Зангиота туманидаги кўпчилик ўқитувчилар доимо Сизни устоз деб қарщилайдилар. Шундай бахтга сазовор бўлиб келаётган Исломжон, мен Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриклайман. Бахту саодат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

**Ҳурмат билан, Мўътабар опангиз ва унинг оила аъзолари.**



**Ҳурматли Пўлат ҲАТАМОВ!**

Сиз узоқ йиллар давомида ўқитувчиликдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассиси ва вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовинигача бўлган масъул лавозимларга кўтарилдингиз.

Сизни кутлуғ 50 ёшингиз билан муборакбод этамиз.

**Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси**



**Қадрли Амир ЖЎРАЕВ !**

Эллик ёшга тўлиб, таълим-тарбия ишида сардорлик қилиб келаяпсиз. Бу эса педагогликка, миллат келажагига, қолаверса, жамоамизга бўлган ҳурматингиздир.

Азиз устоз! Қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин, юзингизда доимо кулгу балқиб тураверсин.

**Сурхондарё вилояти Музработ тумани халқ таълими бўлими жамоаси.**



**Азиз ва меҳрибон адажонимиз Рустам АБЗАЛОВ!**

Биз Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан кутлаймиз. Сизни биргина биз эмас, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 116-мактабда таълим олган ва олаётган барча шогирдларингиз қадрлайди. Бахтимизга ҳамиша бардам, бақувват юринг. Чеҳрангиздан нур, кўнглингиздан хушнудлик аримасин!

**Фарзандларингиз: Шерзоджон, Камолахон, Мухторжон, Мухлиса, Анора, Арофат ва шогирдларингиз.**



**Ҳурматли падарибузрукворимиз Рўзимурод Қулмуродов!**

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли ишларингизда омад тилаймиз. Доимо соғ-саломат бўлинг!

**Фарзандларингиз номидан Олия, Нурия.**



**Азиз дадажонимиз ва меҳрибон устозимиз Ашур Имомов!**

Таваллудингизнинг 70 йиллиги муносабати билан Сизни муборакбод этамиз. Халқ фарзандига илм ўргатишда педагогларга доимо бош-қош бўлиб юринг.

**Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 2-мактаб жамоаси ҳамда фарзандларингиз, шогирдларингиз Йўлдошали, Жамилахон, Муҳитдин, Нодира, Наримон, Саидумар, Бибидилбархонлар.**



**Муҳтарама Мунаввар ЮСУПОВА!**

Сизни қутлуғ айём — таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз.

40 йилча давом этган педагогик фаолиятингиз даврида минглаб шогирдлар етиштириб, бугунги кунда меҳнат нашидасини сурмоқдасиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва оилавий бахт тилаймиз.

**Шайхонтоҳур тумани 82-мактаб жамоаси.**

Одобнома

# МЕҲР ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

Халқ қудрати унинг бирлиги ва ҳамкорлигидадир. Бирлик ва ҳамкорлик эса ўзаро иноқлик, меҳр, ҳамжиҳатликни талаб қилади. Бундай фазилатларни бола оиладаёқ ўргана бошлайди. Оиладаги ҳамжиҳатлик, бирлик ёки ўзаро ҳурмат аста-секин бутун бир маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлигига йўл очади.

Оила бошлиғининг оила аъзоларига ҳурмати, ўз навбатида, оила аъзоларининг оила бошлиғига ҳурматини шакллантиради. Аксинча, оила бошлиғининг ўз фарзандларига ёки оила аъзоларига бўлган ҳурматсизлиги фарзандда ота-онага нисбатан меҳрсизлик ҳиссини уйғотади.

Одатда ёшлар катталардан ўрнак оладилар. Жамиятимизда янгиланиш ва покланиш даври кечаётган экан, ёшларга яхши фазилатларни ўргатиш, ёмон иллатлардан қайтариш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Қариндошларга яхши муносабат ҳақида ибратли ҳикоятлар кўп. Бир кекса ҳаж сафаридан олдин тўплаган пулларидан бир қисмини ўз юртининг етук кишисига топшириб, ҳаждан эсон-омон қайтсам, менга берасиз, агар қайтмасам, мен учун худойи қиласиз, дебди. Ҳаждан қайтса, пулни омонатга олган киши вафот этган экан. Унинг оила аъзолари “Биз билмаймиз“, деб жавоб беришибди. Ҳожи нима қилишини билмай ҳайрон бўлибди. Омонатдан кечайин, деса пул кўп экан. Ўйлаб-ўйлаб уламоларнинг олдиға бориб, воқеани сўзлабди. Уламолар роса ўйлашиб, айтишибди:

– Оби замзам сувига бориб омонатни олган кишининг номини айтиб чақиринг. Ўша жойда барча жаннатилар бўлади. Номини айтсангиз жавоб беради.

Ҳожи оби замзамга бориб, сувга қараб пулини олиб қолган кишининг исмини айтиб, уч марта чақирибди. Лекин жавоб бўлмабди. Қайтиб келиб уламоларга сўзлабди. Уламолар “У киши яхши одам эди, жаннати бўлиши керак эди“, деб ҳайрон бўлишибди ва шундай дебдилар: “Энди ўша жойга яқин бир қудуқ бор, унинг ичига дўзоҳилар жойланган. Дўзахда бўлса, ўша жойдан овоз беради. Сиз ўша қудуққа бориб, исмини айтиб чақиринг, жавоб бўлар“, дейишибди. Ҳожи қудуққа бориб, унга эргашиб исмини айтиб чақирибди. Қудуқдан жавоб келгач, сўрабди ва айтибди: “Сиз яхши киши эдингиз, бировнинг ҳақини емас эдингиз. Рўза ва намозни канда қилмас эдингиз. Кишиларга кўп яхшиликлар қилгансиз. Нега дўзахда турибсиз?“. Қудуқдан шундай овоз келибди: “Тўғри, лекин мен бир қариндошим билан аразлашиб, сўзлашмас эдим. Ундан хабар олмаган эдим. Мен унинг айбини кечмаганим учун худо ҳам менинг бу гуноҳимни кечмади ва дўзахда азобда ётибман“.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, айрим шахслар яхшилик ёки меҳрни пул, нарса, кийимлик мато деб тушунадилар. Натижада ўз қариндошлари, ака-укаларидан ажраладилар. Бундай ярамас одат кўпинча тўй-маърака каби йиғинларда учраб туради. Аслида кўнгил олиш оддий бир ширин сўз билан ҳам амалга ошиши мумкин. Айниқса, ҳозирги бозор шароитида уйга кириб келган кишининг қўлига қараб муносабатда бўлиш нохуш вазиятни юзага келтиради.

Ночор ҳолларда қариндошлар, жигарбандлар хат орқали, телеграмма орқали ҳол-аҳвол сўрашади. Радио ва телевизорлар орқали табриклар уюштирилиши, айниқса, қувончлидир. Лекин баъзилар хат ёзишни ҳам унутиб қўйиб, қариндошларини ҳам ранжитадилар. Армия сафидаги ёки касалхонадаги, чиқиш тақиқланган жойлардаги кишилар яқинлари билан алоқа узилиб қолса, безовта бўладилар.

Шарқ халқлари педагогикасида ширинсуханлик, содда ва аниқ жумлали хатлар, ёзишмалар яхшилик сифатида қадрланади. Донолар хатларида ўқиган кишини ранжитувчи сатрлар учрамайди. Уларда баъзан оғир хабарларни узоқдагилардан яшириш ҳаракати сезилади. Бундай инсоний фазилатларни ёшларга сингдириш уларни маънавий жиҳатдан бойитади. Халқимизда “Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин“, деган мақол бежиз айтилмаган.

**Исматиллахон Музаффархон тўра ўғли,**
**педагогика фанлари номзоди, халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси.**

СПОРТ

# УСТОЗЛАР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

*Хайриполвон билан қарнаботаликлар беҳад фахрланишади. У Бухоро амири Олимхоннинг сараланган етти полвонини йиқитган, елкаси ерга тегмаган паҳлавон эди. Математика ўқитувчиси Очилполвон Турсунов эса абжир, шиддаткор курашчи сифатида танилган, қишлоқда кўплаб полвонларга устозлик қилганди.*

*Яқинда Пахтачи туманидаги Қарнабота жамоа хўжалигида Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятларидан келган полвонларнинг бухороча кураш бўйича Хайриполвон ва Очилполвонларнинг хотира соврини учун беллашуви бўлиб ўтди. Ўн вазн тоифаси бўйича қизғин кураш икки кун давом этди.*

*Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлигида ташкил этилган мусобақада Пахтачи тумани биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Нурободод тумани ва Навоий шаҳри полвонларига насиб этди.*

**Д. АБДУЛЛАЕВ.**

# Янги китоблар

**“Ўқитувчи“ нашриёти яқинда қуйидаги китобларни чоп этди.**

**Д. С. ЗАРИПОВА, Б. С. ЭРМАТОВ. Ўзбекча-французча сўзлашгич.**

Ушбу луғат китоби ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан француз тили ўқитувчилари, француз тилини мустақил ўрганувчилар, сайёҳлар, шу тилга қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин. Китобга француз ва ўзбек тилларида энг кўп ишлатиладиган сўз ва иборалар киритилган. Улар мавзуларга қараб турли бўлимларга ажратилган. Ҳар бир бўлимда умумий қисм берилади. Унда шу бўлимга тааллуқли умумий сўз ва иборалар, савол-жавоблар келтирилган.

**Ғ. СУЛТОНОВ. Термодинамика қонунларини ўрганиш (методик қўлланма).**

Китоб умумтаълим мактаблари





ўқитувчилари учун методик ўлланма деб номланишига қарамай, термодинамиканинг 1-ва 2-қонунларини чуқур ўрганувчилар ҳамда кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжаллаб ёзилган. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва ўқувчиларда термодинамика қонунлари бўйича масалалар ечиш малакасини ошириш мақсадида бобнинг охирида масалаларни ечиш усуллари берилган.

**Р. Н. НАЗАРОВ, Б. Т. ТОШПЎЛАТОВ, А. Д. ДЎСУМБЕТОВ. Алгебра ва сонлар назарияси (1-қисм).**

Алгебра фанининг дастлабки тушунчалари эрамиздан уч аср олдин Миср ва Юнонистонда пайдо бўлган. Грек математиги Диофант тенгламаларни бутун сонларда ечиш масалалари билан худди шу даврда шуғулланган. Биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларни ечиш ҳамда “алгебра“ сўзининг пайдо бўлишида эса эрамизнинг 800-850-йилларида яшаб, ижод қилган буюк салафимиз, хоразмлик Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг хизмати бениҳоя каттадир.

Ф. Виет (1540-1603) томонидан алгебрага маълум ва номаълум миқдорларни ҳарфлар билан белгилаш тушунчасининг киритилиши мазкур фаннинг ривожланишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.

Қўлланма педагогика институтлари математика ва физика — математика факультетлари “Алгебра ва сонлар назарияси“ курси дастури бўйича ёзилган, назарий материал аниқ мисоллар билан тушунтирилган.

**М. МУРОТОВА.**

# ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

*Денов тумани ўқитувчиларининг “Йил ўқитувчиси-94“ кўрик-тнлови бўлиб ўтди. Беллашув натижасига кўра, Ғафур Ғулом номидаги 36-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Қундуз Холматова шу йил сентябрь ойида бўладиган вилоят “Йилўқитувчиси-94“ кўрик-танловида иштирок этадиган бўлди.*

**Б. ФАРМОНОВ.**

*Республика ижодкор ўқитувчиларининг III анжумани олдидан*

## МЕН БИР ШОДА ТИЗАЯПМАН...

Мен бир шода тизаяпман юрагим дурларидан,
Ноёб дурки, ҳануз уни кўрмаган ҳеч бир одам.
Мен бир шода тизаяпман кўзимнинг нурларидан,
Шундай нурки, оппоқроқдир тонгнинг манглайидан ҳам.

Мен шодага энг аввало онам меҳрини тизай,
У туфайли ҳар биримиз бир умрга бахтлимиз.
Сўнгра уни қуёшимнинг нурлари билан безай,
У бор экан, бу заминда яшамоққа ҳақлимиз!..

**Муборак КАРИМОВА,**
**Избоскан туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси.**

## ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎЗИМ

Толеи порлоқ қуёшдай Ўзбекистондан ўзим,
Бахту иқболи мунаввар нурли бўстондан ўзим.
Гул ҳаёт меҳрини солди дилга Истиқлол сўзи,
Меҳнати, шону шарафи шу гулистондан ўзим.
Мақсади тинчлик, озодлик, муддао илму ҳунар,
Қодирий, Чўлпон чамани, тоза виждондан ўзим.
Боғлари жаннатга монанд, тупроғи олтин мисол,
Хирмони Зуҳрога етган марварид кондан ўзим.
Таърифи дунёда достон меҳри диллар торида,
Шоиру олим диёри, эзгу достондан ўзим,
Куйлади Анвар юракдан она-юрт давронини,
Толеи порлоқ қуёшдай Ўзбекистондан ўзим.

**Анвар ПОЛВОНОВ.**
**Усмон ЮСУПОВ туманидаги Н. Нуриддинов номидаги мактаб ўқитувчиси.**

## МУҲАББАТ

Оёғинг остига баргдек тўкилай,
Қавжироқ хазонга айлансин юрак.
Энтикиб, кўнгилда борлигинг туяй,
Мени тарк этганинг туш бўлса керак?!

Майлига, қаршингда тош бўлиб қотай,
Туйғуларнинг тафти қиздирсин таним.
Қизариб, кундайин бағрингга ботай,
Оппоқ тонг орада бўлмасин ғаним.

Сенсиз сезилмайди баҳор нафаси,
Борлиқнинг борлигин англамас руҳим.
Шу тобда кенг дунё тор бир қафасдир –
Ўзингсан, муҳаббат, ёлғиз паноҳим...

## БОЛА КЎТАРГАН АЁЛ

Олам шодликлари сенинг қўлингда,
Келажак мунтазир сенинг йўлингга.
Ҳавасим келади сендек келинга –
Келгин, қўлларингдан ўпайин аёл!

Эртанг қўлларингда, эркам суюксан,
Қаддинг алиф, юзинг ойдек тўлиқсан.
Онасан, аёлсан, доим буюксан,
Бошингдан тилла зар тўкайин аёл!

Бахти бекамлигинг акси кўзингда,
Нур ёғилар мағрур анор юзингдан.
Шириндир, шакарим, болми сўзингда,
Изларимдан – изинг топайин аёл!

Муҳаббатинг мевасидир фарзандинг,
Икки жонни боғлагувчи дилбандинг,
Ошинг ширин, удир асалинг, қандинг,
Сенинг-чун ўзимдан кечайин аёл,
Келгин, қўлларингдан ўпайин аёл!

**Муҳаббат БОБОМУРОДОВА,**
**Хатирчи туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси.**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 230-ўрта мактаб томонидан ҒУЛОМОВА Гулчеҳра Эркиновнага 1992 йилда берилган А серияли 189649 номерли етуклик аттестати йўқолгани учун

**бекор қилинади.**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти жамоаси бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Т. Аъзамовга волидаи муҳтарамаси

**Муҳтарам АФТАБХЎЖАЕВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти жамоаси бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси Муҳаббат Мақсудовага онаси

**Ҳанифа АБДУЛЛАЕВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ғаффор Манноппов, Шарофат Норқулова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6